



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 31 март, чоршанба

№27 (11.622)

Эркин нарҳда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 март куни Оқсаройда Литва Республикасининг собиқ Президенти Валдас Адамкусни қабул қилди.

Ўзбекистон-Литва муносабатлари ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорликни фаол ривожлантириб келяпти. Ўзбекистон раҳбари 1995 йилнинг июнида давлат ташрифи ва 2002 йилнинг сентябрыда расмий ташриф билан Литвага борди. 1997 йил февралда Литва раҳбари, 1995 йил

декабрь ва 2002 йил февралда Бош вазир Ислам Каримовнинг Олий даражадаги мулоқотларининг давомийлиги мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликка интилиш кучли эканидан далolatдир. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларaro комиссия бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Литва

сармояси иштирокида тузилган 24 корхона фаолият кўрсатмоқда. Илмий-техникавий ва маданий-маърифий ҳамкорлик доирасида электроника, материалшунослик, ахборот технологиялари, иссиқлик энергетикаси каби соҳаларда қўшма илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Тошкентда 1993 йилдан буён Литва маданият маркази ишлаб турибди. 2001 йилнинг июлида Вилнос ва Виссагинос шаҳарларида Ўзбекистон маданият марказлари ишга тушди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-Литва муносабатлари, минтақавий хавфсизликка доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. В.Адамкус яқинда Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларидан жабр кўрганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изхор этиб, кўпуровчилар ўзбек халқининг иродасини бука олмаслигига, Ўзбекистон ёвуз нияти кучларга муносиб зарба бериб, ўз тинчлик ва барқарорлигини сақлаб қоли-

шига қатъий ишонч билдирди. Литванинг собиқ раҳбари хозирги кунда ЮНЕСКОнинг яхши ният элчиси сифатида фаолият юритмоқда. Президент Ислам Каримовнинг Фармонида биноан Ўзбекистон-Литва муносабатлари ривожига қўшган улкан ҳиссаси ва икки мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари учун Валдас Адамкус "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган эди. Музокара ақунда Президент Ислам Каримов меҳмонга "Буюк хизматлари учун" орденини топширди.

(Ў.А.)

## ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

Ўзбекистон ва Россия Президентлари Ислам Каримов ва Владимир Путин сешанба кунини телефон орқали суҳбатлашиб, терроризмга қарши курашда ҳамкорликни ривожлантиришнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилдилар. Россия Президенти Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлганлар ва жабр кўрганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изхор этди, Ўзбекистон раҳбариятига бардамлик тилади.

30 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов телефон орқали мулоқотда бўлди. Тожикистон раҳбари 28-29 март кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган муҳим террорчилик ҳаракати туфайли ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этди. Пре-

зидент И.Раҳмонов, террорчиликка қарши курашда биз ҳаммиса Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб келганимиз, бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаймиз, дея ишонч билдирди. "Биз ҳаммиса бирга бўлганмиз, бундан кейин ҳам доимо бирга бўламиз", деб таъкидлади И.Раҳмонов.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноли Олийларига Муҳтарам Президент жаноблари, Дахшати портлашлар оқибатида 19 кишининг ҳалок бўлиши ва кўпчилигининг жароҳатлангани муносабати билан Сизга ва қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига самимий ҳамдардлик изхор этмади. Омон қолганларга тезда соғайиб кетишларини тилаймиз.

Герхард Шрёдер, Германия Федератив Республикаси Федерал канцлиери.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

# Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида

Олий ўқув юртли фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини чуқурлаштиришга доир замонавий талабларга мувофиқ қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори маъража кадрлар тайёрлашни мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори ва малакали кадрлар тайёрлашни мақбуллаштириш юзасидан тақвирлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия тузилсин.  
2. Махсус комиссия Ўз ишларида қўйидаги муаммоларни ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқсин:  
биринчидан, республикада тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар комплекс сифатида қишлоқ хўжалигида ерларнинг, энг аввало, сугорилмаган ерларнинг унумдорлигини сақлашдан тортиб махсулотларни етиштириш ва дастлабки қайта ишлаш, сақлаш ва сотишга бўлган ўзаро боғлиқлик ва ахиллик йўқотилган, бу борада уларни жаҳон ютуқлари даражасида қишлоқ хўжалиги экинларини ўстиришнинг замонавий технологиялари ва усулларига йўналтириш айнаси муҳимдир;  
иккинчидан, Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон бозорига меҳнат тақсимотининг тўла ҳуқуқи субъектларидан бири бўлиб қолаётганини тўғрисида қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқларини ихтисослаштириш масаласи ҳал этилиши зарур бўлган ҳолат му-

рақалпоғистон Республикасидаги филиали, Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтлари шугулланмоқда. Вазифалар комплексини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини механизациялаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш билан мамлакатнинг ихтисослашган қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртли шугулланиши лозимлиги қонийни ҳолдир;  
тўртинчидан, махсулотларнинг 95 фоиздан кўпроги сугорилмаган ерлардан олинмаган Ўзбекистон шариоитлари учун ҳамда экология ва ерларнинг ҳолати ёмонлашиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда илмий изланишларни ва амалий тадқиқотларни чуқурлаштириш ва шу асосда, биринчи навбатда, ирригация ва ерларнинг мелиорациялаш каби ихтисослашган ҳаётий муҳим йўналишлар бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлашни ташкил этиш катта аҳамият касб этади, бунда қишлоқ хўжалигининг келажак кўп жиҳатдан ушбу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқлиги назарда тутилсин керак. Уларга қўйидагилар кирди:  
а) сув ресурсларининг тақчиллиги тобора ортиб бораётган, давлатлараро сув оқимларини бошқаришда муаммолар мавжуд бўлган

(Давоми 2-бетда).

## ИРОДАМИЗНИ ҲЕЧ КИМ БУКОЛМАЙДИ

Ўзбекистоннинг мустақиллигини, халқимизнинг тинч ҳаёти, эришган ютуқларимизни кўра олмайган қора ниятли кучлар Тош-

кент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этган ёвуз хатти-ҳаракатлар мамлакатимиз аҳолиси барча қатламларини лоқайд қолдирмаё-

тир. Юртдошларимиз бундай ишларга қарши туражаклари, тинчлик, осойишталигимизни кўз қорачиғидай асрашларини билдирмоқдалар.

Мўмин кишиларнинг қалби ҳар қандай ёмонликдан ҳоли бўлади. Уларнинг ниятлари — одамларга фақат яхшилик қилиш, қўлларидан келганча марҳамат кўрсатиш. Бундай инсоний хислатлар, айниқса, ўзбек халқига ҳам хос.

## ЁВУЗ КУЧЛАРНИНГ НИЯТИ ПУЧ

Зеро, ҳамқишлоқларим дунёнинг турли бурчларида нияти бузқў қора ва ёвуз кучлар томонидан содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари оқибатида юзлаб бегуноҳ кишиларнинг дунёдан ноҳақ кўз юмаётганларини кўриб, беҳад ғазабланаётганларига ўзим бевосита гувоҳман. Энг муҳими, эмин-эркин меҳнат қилиб, кўнглидаги дек рўзгор тебратиш имконини бераётган кейинги йиллардаги тинчлик-хотир-жамлик учун ҳукуматимиз раҳбарларига раҳматлар айтишаётганининг шохиди-ман.

Лекин, афсуски, тинч, осойишта юртимизни кўралайдиганлар бор, тўғриси, 1999 йил 16 февраль воқеалари орқали бизга таниш бўлган қора ниятли бу кучлар фаровон ҳаётимизга шу йилнинг 28-29 март кунлари яна кўз олайтиришди. Юртбошимиз ойна жаҳон орқали аҳоли кўнглини тинчлантириб, вазиятга жуда тўғри баҳо бердилар. Бундай ёвуз хатти-ҳаракатларни мамлакатимиз мустақиллигини, халқимизнинг тинч ҳаёти, эришган ютуқларимизни кўралайдиган, эзгу ният ва амалий ишми-мизга тўсиқ қўйишни ис-таётган манфур кучлар содир этганига шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат, хозир бутун мамлакатда 2004 йил ҳосили учун мустаҳкам замин

яраташ учун омвий кучураш бошланган пайт. Хурсан, пахтакорлар ҳамма ерда очик майдонларга чигит экишга қизгин киришдилар. Шундай пайтда улар тинчлигини бузишга, юракларига гулгула, ваҳима солишга, вазиятни беқарорлаштиришга уриниш фақат разил кучларнинг қўлидан келадиган ишдир. Лекин, ғаламислар ҳар қанча уринмасин, қора ниятларига етолмайди. Президенти айтганларидек, бундай синови илгари ҳам бошидан кечирган ва мардона энгиб ўтган халқимиз бу сафар ҳам бир мушт бўлиб жипслашиб, ёвуз кучларга зарба беришга қодир. Ўз юртининг тинчлигини, халқининг осойишта ҳаётини сақлашни ўзининг муқаддас бурчи деб билган ҳар бир фуқаро бугун юртбошимиз атрофида жипслашмоғи зарур. Зеро, тинчлик, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Уни асраш учун ҳамма бирдек, доимо сергак ва огоҳ бўлиши, осойишталигимизга раҳна солишга уринувчи кучларга қарши зарба беришга тайёр туриши лозимлигини халқимиз яхши тушунади.

Эргаш НИЁЗОВ, Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.

## ЁШЛАР СЎЗИ ҚАТЪИЙ

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда Ватан тараққийети, юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва келажак ворислари бўлган биз — ўсмир-ёшларнинг билим олишимиз, ҳар томонлама соғом бўлиб вояга етишимиз учун барча қўлайликлар яратилаяпти. Бу сайёҳаракатларда ёшларнинг орзу интилишлари рўйбега чиқиши бош мақсад эканлиги ўз аксини топмоқда.

Лекин, мана шундай ёруғ кунларимизни кўралайдиган, мақсадларимизга, хавфсизлигимизга раҳна солувчилар, афсуски, йўқ эмас экан. Биз уларга қарши турмоғимиз, курашмоғимиз зарур экан. Доимо хушёр, огоҳ бўлсак, ўзимиздаги лоқайдлик кайфиятларини бартараф этиб,

ҳар бир ишимизда, фаолиятимизда қатъиятлик билан ёндошсак, ўйлаган режаларимизни амалга оширишга албатта эришамиз. Институтимизда талабалар иштирокида «Ҳеч кимга бермаймиз — Ўзбекистонни!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Бундан ҳар бир талаба ўзига етарли

хулоса чиқариб, эзгуликка, маънавий баркамолликка эришиш учун даъват этилди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қабих ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сола olmayди, халқимизнинг иродасини буколмайдилар, бизни ўзимиз таллаб олган йўлимиздан қайтаролмайди. Биз ёшлар бу борада ўзимизнинг қатъий сўзимизни айт-тамиз. Биз Ўзбекистонни, унинг тинчлигини кўз қорачиғидай асраймиз.

Собир СОВВОЛДИЕВ, Тошкент вилояти педагогика институтининг тарих факультети талабаси, Навоий номли стипендия соҳибиди.

## МАҲАЛЛА ҲАМИША ЯҚДИЛ

Маҳалланинг мавқеи, аввало, шу ҳудудда яшовчи аҳолининг осойишталиги, аҳил-иноқлигида кўри-нади. Унинг ҳар бир аҳли ўз турмушини тинч, осуда бўлиши учун масъул бўлса, буни ўзининг бурчи ҳисобласа, ҳар қандай ютуқлар, эзу ишлар омилли шақланмади. Маҳалланинг жамиятдаги ўрни янада ортибди.

Янги давр кишиларнинг дунёқароши, маънавий баркамоллиги дастлаб ўз хонадонидан, маҳаллада мустаҳкамланади. Шаҳримизда кўп-кўп миллат вакиллари ўзаро тотувлик, иноқлик билан турмуш кечирадилар. Унда жипслик, бир-бирига бўлган ўзаро ҳурмат-эҳтиром муҳим ўрин тутди. Шуллар ҳисобга олиниб, ўсмирлар тарбияси, камолоти борасида турли тадбирлар ўтказилди.

Кеча шаҳримиз фаоллари йиғилишида 28-29 март кунлари пойтахтда бўлиб ўтган муҳим воқеаларга муносабат билдирилиб, тегишли хулосаларни чиқарди. Юртимиз, шаҳримиз, маҳаллаларимизда тинчлигини сақлаш, Ватан мустақиллигини ҳимоя қилиш муқаддас бурчимиз. Бугун маҳаллаларимизда яшаб турган барча миллат вакиллари ягона фикри шундай.

Ғофур МАҲМУДОВ, Олмалик шаҳридаги Усмон Носир номли маҳалла оқсоқоли.

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ РАСМИЙ АХБОРОТИ

2004 йил 30 март куни эрталаб соат 7 дан 20 дақиқа ўтганда Тошкент вилояти Қибрай тумани "Умид" ширкат хўжалиги "Бойжигит" маҳалласида (Қорамурт кўчаси, 1-1"А" уй, 20-хонадон) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қуролланган жангарилар гуруҳи аниқланди. Қўлга олиш жараёнида 20 кишидан иборат террорчилар қўлбола портловчи мосламалар ёрдамида ўзини ўзи портлатиб юборди.

Портлаш чоғида 3 нафар милиция ходими ҳалок бўлди, 5 нафар милиционер турли даражада жароҳатланди. Маскур террорчилик ҳаракати юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Р. Абдужабборов, З. Ходамов ва бошқалар ўз вазни тоифалари бўйича совринли ўринларга эга бўлишди. Ўз мухбиримиз.

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Ёшлар ишлари қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмомов бошқаран

ушбу йиғилишда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"нинг ўрта махсус, касб-хуна тарғиб тизимида бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган макур дастурнинг мақсади аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бу борадаги билимининг кундалик ҳаётда қўллай оладиган даражада ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг камровли мунтазам тизимини яратишдан иборатдир.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида ўтказилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг, айниқса, ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир.

Бинобарин, жамиятда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, аввало, ҳуқуқий тарбия тизими орқали амалга оширилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хуна таълими маркази томонидан бу борада муайян ишлар бажарилиши таъкидланди. Ўрта махсус, касб-хуна коллежлари ҳамда академик лицейларда "Давлат ва ҳуқуқ асослари", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" каби ўқув курслари ўтилмоқда. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ВАКИЛИМИЗ УЧИНЧИ

Спортнинг авторалли тури бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда Республикаимиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 24 нафар моҳир ҳайдовчилар иштирок этишди. Бахслар пойтахтдан бошланиб, вилоятимизнинг Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ва Паркент туманларидан ўтувчи автомобиль йўлларида давом этди.

Равшан РУСТАМОВ.

### ЯНГИ ҚАДОҚЛАШ ЦЕХИ

Қибрай туманида жойлашган доривор ўсимликлар етиштириш билан шугулланувчи «Гербофарм» хусусий корхонасини нафақат туманда, балки республикаимизда ҳам яхши билишадилар.

Яқинда корхона ўз имкониятларини янада кенгайтириб, етиштирилган ўсимликларни шу ернинг ўзида қадоклашни йўлга қўйди. Корхонада янги ташкил этилган фитобар ҳам мамлакатимизнинг турли гушаларидан келган беморлар хизматиди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

### ИШИНГ ХАВФСИЗ БЎЛСА

Ангрен шаҳрида «Меҳнат хавфсизлиги — ҳаётини эҳтиёж» деб номланган тадбир ўтказилди.

жойларида хавфсизлик хуш воқеаларини бартараф қилдирилганда риоа этиш, иш этиш чора-тадбирлари ўринларида юз берган но-ҳақида сўз борди.

### «НАЗАРБЕК» ФОЛИБ

Пискент туманида спортнинг эркин кураш тури бўйича туман очик чемпионати бўлиб ўтди. Унда вилоятимиздан 5 та ҳамда Тошкент шаҳридан 3 та терма жамоа иштирок этди.

Мусобака натижаларига кўра, Зангиота туманининг «Назарбек» жамоаси фойлибликни қўлга киритди. Беллашуларда И. Абдуллаев, И. Ражабов,

Р. Абдужабборов, З. Ходамов ва бошқалар ўз вазни тоифалари бўйича совринли ўринларга эга бўлишди.

Шунингдек, «Ватанпарвар»нинг бошланғич ташкилотларида пулик хизматини ривожлантириш масаласи ҳам муҳокама этилди. Равшан ЕҒУБЖОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

# Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида

шароитларда сув ҳўжалиги асосий фондларнинг замонавийлаштирилиши;

б) ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув оқимларини тўплаш ва тартибга солиш, ерларнинг шўрланиши ва ботқоқланиши бартараф этиш, гидротехника иншоотларининг ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлаш, сувни тақсимлаш, унинг сарфланишини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларини ҳал этилиши;

в) сув ресурслари чекланган шароитда фермер ҳўжаликлари сонининг жадал ўсиши сувдан оқилона ва тежамли фойдаланишни талаб қилиши;

г) республикада фойдаланиш учун илмий ва инновацион ёндашуви ҳамда уларни замонавийлаштириш учун юқори малакали кадрларни талаб қилганидан қўллаб-қувватлаш мақсадида гидротехника иншоотлари, сув омборлари, суғориш ва дренаж муҳандислик тизимлари ва ага бўлган мураккаб ва кудратли ирригация тизимларининг фаолият кўрсатиши;

д) ерларнинг қониксиз мелиоратив ҳолатининг, коллекторлар, мавжуд ёпиқ ва вертикал дренаж тармоқлари техник ҳолатининг суғориладиган ерлар унумдорлигига салбий таъсирининг олдини олиш зарурияти.

қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини Тошкент ирригация ва мелиорация институтига айлантириш чора-тадбирлари комплексини амалга оширсин. Мазкур ишни амалга оширишда:

Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг муҳандислари институтининг муҳандислари институтидан тугатган ўрни ва ролига, уларнинг қишлоқ ҳўжалиги етакчи тармоқлари - мелиорация ва сув ҳўжалигидаги фаолиятига ҳолисона баҳо берилсин;

институтдаги таълим йўналишлари ва кадрлар тайёрлашнинг иختисослашуви ўрганилсин, уларнинг ирригация ва мелиорация соҳасидаги замонавий талабларга ва долзарб вазифаларга нечоғлиқ мувофиқлиги таҳлил қилинсин;

ушбу қарорнинг 2-бандида баён қилинган асосий йўналишлари ва вазифаларига жавоб берадиган институтнинг факультетлар йўналишлари ва ўқув базасининг мазмунини, кафедраларнинг иختисослашувини белгилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўрилсин;

институтнинг илмий изланишлари ва амалий тадқиқотларини қўйидаги устувор йўналишларга - сув ресурслари сифатини ахшиллаш, улардан фойдаланишни мақбуллаштириш ва уларни тежашга, тупроқ унумдорлигини ошириш учун ерларни суғоришининг илгор методларини ишлаб чиқишга ва кенг қўлланишга, гидротехника иншоотларининг ишончилигини ва фойдаланиш учун хавфсизлигини таъминлашга қаратиш чора-тадбирлари амалга оширилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги:

Тошкент давлат аграр университети, Андижон ва Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтлари тузилмасини ва ўқув-моддий ҳамда методик базаси йўналишини, шунингдек уларга Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидан тегишли муҳандислик кадрлар муҳахассисликлари иختисослашувини қайта кўриб чиқсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда, тегишли иختисосдаги муҳахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, 2004/2005 ўқув йили ва кейинги ўқув йиллари учун Тошкент ирригация ва мелиорация институтига қабул қилиш квоталари бўйича белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсинлар;

Тошкент ирригация ва мелиорация институтини билан биргаликда 2004/2005 ўқув йили бошлангунча республика таълим стандартларига мувофиқ Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг тегишли таълим йўналишлари ва муҳахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**  
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 30 март.

## Бунёдкорлик



**Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физика институтининг янги қишлоқлари асосида 500 тонна капсула-ламанга уруғлик экиш мавсумига тайёрлаб қўйилди.**

## Капсулада ишончлироқ

Капсулаашнинг моҳияти шундаки, туксизланган, калибрланган чигит махсус қориниша билан ўраб олинади. Бу қориниша олимлар томонидан табиий моддалардан олинган. Бунда улар қўшимча озукча олади, тупроқнинг экологик аҳволи бузилмайдди. Ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам тупроқдаги уруғлар чиримайди ва ўз хусусиятларини йўқотмайди. Кейин эса жадал ўсади. Агар ҳаво яхши бўлса, бундай уруғлик одатдагидан кўра анча тез унуб чиқади.

Уруғлик чигитни капсулаш ишларини маалакатида Ўзбекистон-Герция, Ўзбекистон-Франция қўшма корхоналари амалга оширмақда. Қатор вилоятлар пахтакорлари янги технологияни тобора кенгроқ қўлламоқда.

Ў.А.

## ПАРКЕНТНИНГ ЯНГИ ИНШООТЛАРИ

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида бир қатор янги иншоотлар қад ростлади. Улар орасида спорт майдончалари, мактаблар, турли дўконлар, маҳалла гузарлари мавжуд. Паркент туманида ҳам бир қанча янги мажмуалар фойдаланишга топширилди.

Чунончи, «Сурхи» маҳалласида 740 ўринли янги мактаб биноси битказилиб, ўқувчиларга инъом этилди. Энди маҳалла ёшлари янада чуқурроқ билим олишлари учун етарли шароит яратилди. Чунки, 45-умумтаълим мактабининг аввалги биносида ўқувчилар икки сменада билим олар эдилар. Ҳозир бу ерда турли тўғрақлар ташкил этилган бўлиб, дарслардан сўнг ўқувчилар бемалол ҳунар ўрганишмоқда.

Шунингдек, буюк аждодларимиз номини улуғлаш, уларнинг хотираларини абадийлаштириш учун тумандаги 2-Ҳўжа маҳалласида «Саид ота» макбараси қурилди.

**СУРАТЛАРДА:** янги қурилган мактаб, мақбаранинг кўриниши; Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкат ҳўжалигининг бош муҳандиси Дилмурод Мирзахмедов ва хивалик уста Ботир Мадрамов қилинган ишларни кўздан кечиришмоқда.

Даврон АХМАД олган суратлар.



## Баҳорги чакирув

# ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 10 март куни қабул қилган "Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида навбатдаги чакирув тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мудофаа ишлари бошқармалари мууддатли ҳарбий хизматга чакиривладиган минглаб номзодларни сараламоқда.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги йигирма бир чакирув комиссияси зарур тиббий асбоб-анжомлар билан тўла таъминланган. Айни пайтгача ўнлаб йигитлар тиббий текширувдан ўтди, — деди Тошкент вилояти чакирув комиссиясининг катта шифокори Динора Аъзамова. — Улар яқин кунларда белгиланган ҳарбий қисмларга жўнаб кетади.

Жойларда тўрт юзга яқин чакиривулчининг тест натижалари маълум бўлди. Энди улар вилоят тиббий комиссиясидан ўтади, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чакирув бўлими бошлиғи подполковник Бахтиёр Ибрагимов. — Айни пайтда ҳокимликлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳарбийдан захирага бўшаган йигитларни иш жойлари билан таъминлаш чораларини ҳам кўраямиз.

Холмурод САЛИМОВ, Ў.А. муҳбири.

## Қарор ва ижро

Республика Президентининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда вилоят ҳокимининг ушбу фармон ҳамда қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган қарори эълон қилинганга беш ой бўлди. Ана шу ҳукувий ҳужжатларга мувофиқ бу йил вилоят бўйича 21 та истиқболсиз ширкат ҳўжалиқи негизда юридик мақомага эга бўлган фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш режалаштирилган эди.

Бу борадаги ташкилий ишлар қандай амалга оширилди? Муҳбиримиз республика деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари уюшмаси вилоят вакилиги раҳбари Абдуқаҳҳор Курбоновга шу ҳақда бир неча савол билан муроса қилди.

— Бундан бир йил муқаддам мамлакатимиз Президентини қишлоқ ҳўжалиғидаги иқтисодий-ижтимоий ислохотларни жадаллаштириш ва янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишларини белгилаб берган эди, — деди А. Курбонов. — Асосий эътибор фермерларни фақат сон жиҳатидан кўпайтиришга эмас, улар фаолиятини сифат жиҳатидан тақомиллаштиришга қаратилганда. Яъни фермер ҳўжалиқларини шакллантириш, уларга кўрсатиладиган сервис хизматларини хар томонлама кучайтириш вазифаси қўйилганда. Президентнинг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу концепциянинг ижросига бағишланган қарори ана шу йўлдаги яна бир амалий қадам бўлди.

Муҳими шундаки, режалаштирилган 21 та истиқболсиз ширкат ҳўжалиқлари негизда ташкил этилган янги фермер ҳўжалиқлари аввалгиларига нисбатан бир неча баравар йириклаштирилди. Аниқ қилиб айтганда бўлса, пахта ва галла етиштирадиган фермерларнинг хар бирига ўртача 55 гектардан, сабзавотчилик ва боғдорчиликка иختисослашган туманларда эса, 9,7 гектардан ер тақсимлаб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентнинг Фармони ва Вазирлар Маҳ-

дорлик ҳам ошди. Масалан, Юқоричирчиқ туманидаги У. Юсупов номи ширкат ҳўжалиғи тугатилганидан аввалги йили 4,5 миллион сўм зарар кўрган бўлса, фермер ҳўжалиғига айлантирилган йиллик 36 миллион сўм сўф фойда билан чиқди. Галла ҳосилдорлиги 42 центнерга қўтарилди.

— Истикболсиз ширкат ҳўжалиқлари ўрнида йи-

Янгийўл туманларида биттадан ҳўжалиқ тугатилиши белгиланган бўлиб, уларнинг барчасида ширкат аъзоларининг умумий мақдаслари ўтказилди ва хар бир ҳўжалиқ бўйича тузилган қайта ташкил этиш комиссиялари таркиби уларга таништирилди. Ташкилий жараёнларнинг барча учун очик ва ошқора кечишини таъминлаш мақсадида ту-

олинди. Яъни битта ер участкасига ўртача 3,7 нафар даввогар тўғри келди.

Танлов жараёнида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тавсия этилган талабларга қатъий риоя қилинди. Асосий эътибор даввогарнинг маълумоти, муҳахассислиги, иш тажрибаси (стажи), ёши, оиласидаги ишловчилар сони, пул маблағи ва техникасининг бор-

ни вилоят ҳокимлигининг қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурда аниқ ҳисобга олинган эди. Шу боис ширкат ҳўжалиғи аъзоларидан бўшатирилган аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш ҳеч қандай қийинчиликсиз, муаммоларсиз ҳал этилди.


Тугатилган 21 та ширкат ҳўжалиғининг аъзоларидан бўшатирилган 12478 нафар

ҳўжалиқларига сервис хизмати кўрсатуви ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини шакллантириш ва ишга тушириш вазифаси юкланган эди. Шунга мувофиқ фермерлар учун қулай бўлган худудларда 21 та муқобил МТП, 18 та мини-банк, 20 та нефть маҳсулотлари ва 21 та минерал ўғит сотиш шохобчалари, 21 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 11 та насли молларни сотиш ва зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчаси, 4 та ахборот-консалтинг хизмати шохобчаси очилди.

Пахтакор туманларда ширкат ҳамда янги ташкил этилган фермер ҳўжалиқларини зарур техника воситалари билан таъминлаш учун амалий чоралар кўрилди. Чунончи, шу йил январ ойидан бошлаб, Тошкент трактор заводида 35 та ТТЗ-80-11 чопиқ трактори имтиёзли банк кредитлари ҳисобидан, 35 таси эса, 7 йил муддатта 6 фоизли лизинг усулида олинди, фермер ҳўжалиқларига берилди. Яна 230 та шундай тракторлар олиш режалаштирилган. Бундан ташқари Россиянинг Олтой ўлкасидан 100 та жанжири Т-4А русумли хайдов трактори келтириш юзасидан келишилган битим кучга кириб, ҳозир 48 таси қабул қилиб олинди. Қолган 52 та трактор ҳам яқин кунларда етиб келади. Булар ҳам маблағи бор ширкат ва фермер ҳўжалиқлари ҳамда МТПларга тарқатилди.

Ҳозирги кунда янги ташкил этилган фермер ҳўжалиқлари сервис ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида ўз фаолиятларини бошлаб юборди. Бироқ, уларнинг ўз фаолиятларини кенг йўлга қўйиб, тўла куч билан ишлаб кетишларини таъминлаш учун янги ташкил этилган ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларида сервис хизмати кўрсатишни хар томонлама ахшиллаб, фермерларнинг талаб-эҳтиёжларини тўла қондирадиган даражага етказиш учун хали кўп иш қилишимиз лозим.

Абдусамал ЙЎЛДОШЕВ сўхбатлашди.



## ТЕЛЕВИЗОР ОРҚАЛИ — ИНТЕРНЕТГА

Г.Плаханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиалида Буюк Британиянинг "FREEDOMLAND" компанияси Марказий Осиё минтақаси бўйича ваколатхонаси билан ҳамкорликда телевизор орқали Интернетга боғланиш имконини берувчи "NetBox" куралмасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

— Дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан бохабарлик кишилар учун муҳим, — дейди "FREEDOMLAND" компанияси бош директори Муҳаммад Харон Чоудри. — Лекин ҳаммамнинг ҳам шахсий компьютери йўқлиги боис Интернетга боғланишни қийин. "NetBox" аппарати эса бевосита телевизор орқали бу тизимга киришни таъминлайди.

Усунадан мактаб ва олий ўқув юртиларида дарс ўтишда, кинотеатрларда, меҳмонхоналарда Интернет орқали турли фильмлар томоша қилишда фойдаланиш мумкин. Ортимизда бу махсулотга бўлган талабни ўрганиб чиққан ушбу компания раҳбарияти Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон бозорига "NetBox"ни олиб киришга қарор қилди. "NetBox" Интернетдаги маълумотларни видеомониторга ва принтер орқали қўзғатиб кўчириб бера олади, факс вазифасини ҳам ўтади.

Мазкур қурилма 2002 йилда яратилган бўлиб, Германия, Франция, Испания ва Буюк Британия каби давлатларда кенг ишлатилмоқда.

Ў.А.

# ФЕРМЕР: ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАНЛАНДИ

камасининг қарори қишлоқ ҳўжалиғидаги ислохотларни чуқурлаштиришда нихоятда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳаётининг ўзи исботламоқда. Икки йил аввал вилоятимизда 11 та, яъни Юқоричирчиқ туманида бешта, Бекобод, Бўка, Чиноз, Пскент, Янгийўл, Оханрон туманларида биттадан иқтисодий ночор ҳўжалиқ тугатилди, ўрнида фермер ҳўжалиқлари тузилганди. Тез орада бу тадбир яхши самара бериб, ўзини оқлади ва энг тўғри, энг истиқболли йўл эканлигини амалда кўрсатди. Аввало, эгаллик ҳисси пайдо бўлиб, ерга, ишлаб чиқариш жараёнидаги маънавият ўзгарди. Сарф-харажатларни имкони борича камайтириб, арзон ва сифатли маҳсулот етиштиришга интилиш кучайди. Натижада иқтисодий самара ортди.

Масалан, фақат 2003 йилнинг ўзида тугатилган 6 та ширкат ҳўжалиғи худудда фаолият юритган фермер ҳўжалиқларида бир гектар ғўзага ишлов беришга сарфланган нефть маҳсулотлари 2002 йилдагидан 20,6 фоизга, ўғит сарфи 15,3 фоизга қисқарди. Рентабеллик 4,3 фоизга ўсди. Таъкидлаш жоизки, бундай иқтисодий самарага ҳосилдорликни пасайтирмаган ҳолда эришилди. Аксинча, сарф-харажатлар камайиши билан бир вақтда ҳосил-

гатилаётган ширкатларнинг аъзоларига янги фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш тартиб-қоидалари ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Қайта ташкил этиш комиссиялари тугатилган фермер ҳўжалиқларини, мол-мулкларини, техника воситаларини, ижтимоий инфратузилмаларини, ирригация ва мелиорация тармоқлари ҳамда барча актив ва пасивларини белгиланган муддатда қайта хатловдан ўтказди ва асосий воситаларини қайта баҳолаб чиқарди. Тугатилган ширкатларнинг жами 5154,7 миллион сўмлик мол-мулкдан 434,1 миллион сўмлик ижтимоий объектлар маҳаллий ҳокимликлар балансида ўтказилди. 1448,5 миллион сўмлик қиммати савдоси орқали сотилиб, кредитдорлар билан ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилди. Қолган мол-мулк қиймати янги ташкил этилган фермер ҳўжалиқларига тақсимлаб берилди.

— Фармон ва қарорга мувофиқ фермерликка номзодларни тендер, яъни танлов асосида танлаш лозим эди. Демак, даввогарлар кўп бўлиши қўнғайди. Аслида ҳам шундай бўлдими?

— Даввогарлар сони кўтилганидан ошиб кетди. 30277 гектар ер учун комиссиялар томонидан 2765 нафар номзод рўйхатга

йўқлиги каби шартларга қаратилди. Шу билан бир вақтда илгари айнан шу ширкат ҳўжалиғида ишлаган талабдорларга устуворлик берилди. Пировадда 2765 даввогардан 753 нафари тендерда ютиб чиқиб, вилоятимизда фаолият кўрсатаятган фермерлар сафига қўшилди.

— Энди уларнинг таркибига бир назар ташласан. Чунки, тугатилган 21 та ширкат ҳўжалиғи орасида пахтачилик ва галлачиликдан ташқари сабзавотчилик ва боғдорчиликка иختисослашганлари ҳам бор.

— Янги ташкил этилган фермер ҳўжалиқларининг 532 таси пахтачилик ва галлачилик, 202 таси боғдорчилик, қолганлари сабзавотчилик билан шуғулланади. Энг муҳими, тендерда ютиб чиққан фермерларнинг 475 нафари ёки 64 фоизи айнан шу ҳўжалиқда оилавий пудратчи бўлиб ишлаб келган маҳаллий аҳоли вакилларидир.

— Дарвоқе, иқтисодий ночор ҳўжалиқлар тугатилиши муносабатига билан минглаб аъзоларининг доимий иш жойлари — яъни муқим даромад манбаларидан маҳрум бўлишлари табиийдир. Масаланинг бу муҳим ижтимоий жиҳати қай йўсинда ҳал этилди?

— Масаланинг бу томо-

нашнинг 11475 нафари ёки 92 фоизи янги ташкил этилган фермер ҳўжалиқларига шартнома асосида ишга қабул қилинди. 479 аъзо туманларнинг меҳнат биржалари орқали бошқа соҳалардаги бўш иш ўринларига жойлаштирилди. 544 киши эса, ёши етганлиги муносабатига билан пенсияга чиқарилиди.

— Янги фермер ҳўжалиқлари шу йилдан тўла куч билан ишга киришиб кетиши учун уларга хизмат кўрсатадиган таъминотчи ташкилотларни ҳам бир йўла шакллантириш лозим эди. Тадбирларда белгиланган бу вазифа қандай удаланди?

— Паст рентабелли, зарар кўриб ишлайётган истиқболсиз ширкат ҳўжалиқларини фермер ҳўжалиқларига айлантириш масаласига бағишлаб 2003 йил 11 ноябрда ўтказилган йиғилиш қарори билан вилоят ҳокимлиғи агрономот мажмуи, қишлоқ ва сув ҳўжалиғи бошқармаси, Марказий банк ва бошқа тегишли тижорат банклари вилоят бўлиmlари, вилоят «Қишлоқ ҳўжалиқимё-таъминот», «Узнефтьмаҳсулот» унитар корхоналари, вилоят МТПлар билан ширкатимиз, туман ҳокимликлари зиммасига тугатилган хар бир ҳўжалиқ худудига янги тузилган фермер

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

«109-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:
1) Ўзбекистон Республикаси қонуларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларининг, ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлайди;
2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонулари Ўзбекистон

Республикасининг қонуларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;
3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонулари нормаларига шарҳ беради;
4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонулари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.
Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.
Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади».

мажбуриятларини, қақиртилган шахсларга — уларнинг мажбуриятлари ва жавобгарликларини тушунтириши керак.
Хар қандай саволнинг қўрилиши судья-нотикнинг нутқидан бошланади ва у саволнинг моҳияти, уни қўриш сабаб ва асослари, мавжуд бўлган материалларнинг мазмуни тўғрисида гапириб, саволни муҳокамага



АВВАЛ КЎЗГУГА БОҚ

Ойнаи жаҳонда бир таникли аёл хонанда билан суҳбат берилди. Кўрсатув муаллифи миллий аъёнлар ва кадрларнинг ривожлантиришда санъаткорларнинг ўрни ҳақида савол берди. Хонанданинг жавобидоғи бир фикр мени ўйлантириб қўйди. Недирки, санъаткорлар эл-юрт, миллат аъёнлари ва кадрларини кўз-кўз этувчилар экан. Бугунги кун ёшлари ҳам маданиятни, хусусан кийиниш маданиятини санъаткорлардан ўрганар экан. Мен бу фикрга асло қарши эмасман. Аммо, у шу сўзларни айтаяпти-ю ўзининг либосига бир назар ташлай демасди. Баданининг 60 фоизини аранг беркитиб турган кийимда халқ олдида чиқиш бизнинг миллатга хос кадриятмикан?
Мен бу масолини бежиз келтирганим йўқ. Уша хонанда айтганидек, ҳақиқий санъаткор халқнинг кўзгуси ҳисобланади. Унинг аъёнларидан тортиб дунёқарашига ўзининг юрш-туриши, кийинишида, акс эттирмоғи лозим.
Ақсарият, ёш санъаткорларимизнинг қўшиги у ёқда турсин, кийиниб чиқишиёқ дилингни хира қилади. Замонавийликнинг ҳам чек-чегараси бордир.
Санъаткорларимиз ҳақиқий аъёнлар ва кадрларини мизни эъзозлаб, уларни ёшларга сингдиришга ҳисса қўшмоқлари керак.

Ғулум БОЙИМБЕТОВ,
Юқоричирчиқ тумани, пенсионер.

ЯХШИЛИК — УМР МАЗМУНИ

Инсон табиати қизиқ, баъзида қалбдан меҳрга ташналик сезса, гоҳида бу туйғуни кимгадир бергиси келар экан. Абдуғани Тожиев аён ён-атрофдагиларга меҳр улашадиганлардан. У Зангиота туманидаги 36-умумтаълим мактабида ўқувчиларга таълим бериш билан бир қаторда, оиласидоғлар билан деҳқончилик, чорвадорлик ҳам қилади. Шунинг ортидан ҳам бўлмайпти. Даромадидан эса, мактабда таҳсил кўраётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини моддий тарафдан қўллаб-қувватлаб келаяпти.
— Мақсадим — ўқувчиларим ҳеч нарсага муҳтож бўлишмасин, — дейди Абдуғани ака. — Бир кун келиб, улар ҳам кимларгадир ёрдам қилини чўзар, йўл кўрсатар, кимнидир қўллаб-қувватлар. Асосийи, ҳаётда инсон учун меҳр-муҳаббат, эътибор муҳимлигини тушуниб ётсинлар.

Улукбек ПУЛАТОВ,
Зангиота тумани.

МИННАТГА АЙЛАНМАСИН

Меҳр ва муруват йили кексаларга эҳтиром, кичикларга иззатда бўлиш, умуман олганда инсонлар қалбини бир-бирига беговчи ришталарни яна бир-бир мустаҳкамлашишига сабаб бўлади, деб биланам.
Аммо, ҳанузгача кўпчилик юртдошларимиз бу йилнинг мазмун-моҳиятини тўла англаб етмаган кўринадилар. Меҳр-муруват деганда фақатгина болалар уйи ёки кам таъминланган оилаларга совға-салом бериш, уларга дастурхон тузаш дегани эмас-ку. Дунёда ҳамма меҳрга, муруватга, кимнингдир ширин сўзига муҳтож. Бунда фақат моддий манфаатдорликни тушуниш кишини худбинлаштириб қўймасмикан?
Негадир кейинги пайтда бир нарса менга қаттиқ таъсир қилмоқда. Қаярга қараман, фалончи унга совға берибди, фалончи болалар уйда ош тортибди, деган гап-сўзлар қўлайиб қолди. Тўғри, бундай савоҳатпешалик керак, албатта. Аммо, ҳалиқимизда «ун қўлинг берганини чап қўлинг кўрмасин» деган нақл бор. Шундай экан бу миннатга айланаиб қолмасин, дейман.

Ў. РАҲМОНОВ,
Бекобод тумани, II гуруҳ ногирони.

ШИРИН СЎЗ ҲАМ МАЛҲАМ

Яқинда Ангрен шаҳар марказий шифохонасида ўз соғлиғини тиклаб қайтдим.
Тўғриси айтиш керак, балки, бизнинг кексалигимизни ҳисобга олишдим, ёки ҳақиқатан ҳам у ердаги шарт-шароит ана шундайми, ҳар ҳолда шифохонада мириқиб ҳордиқ чиқаргандек бўлдим. Шифокорларнинг ширинсўзлиги, самимийлиги, беморларни ўзларига яқин олишлари қўнглимни тоғдек кўтариб юборди.
Айниқса, бош шифокор М. Эралиева, невропатолог Ж. Абдураулов, жарроҳ С. Исмоилов ва шифохонадаги бошқа ходимларнинг беморлар билан муносабатини кўрган кишида, уларга нисбатан миннатдорчилик ҳисси уйғониши аниқ эди.
Қаришларга кўрсатилган бундай иззатдан жуда хурсанд бўлдим. Биз кексалар учун бироз эътибор бўлса бас. Мана шунинг ўзи ҳамма нарсанинг ўрнини босади. Ақл меҳр ва муруватнинг мазмун-моҳияти ҳам шу бўлса керак.
Сиздан миннатдоримиз, азият шифокорлар.
Теша ШЕРАЛИЕВ,
меҳнат ва уруш фаҳрийси.



ҚОНУНИМИЗ — БАХТИМИЗ

Конституциявий суд қандай ишларни кўриши 108-моддага бағишланган шарҳда қисман қайд этилган. Мазкур модданинг шарҳида эса, Конституциявий суд тўғрисидаги қонунда белгиланган мазкур суднинг ташкил этилиши ва фаолият кўриш тартиби масалаларига тўхталамиз.
Конституциявий судда муҳокама мажлисига тайёрларлик кўриш мазкур суднинг раиси томонидан амалга оширилади. Судга тақдим этиладиган саволлар қандай қилиб қўрилиши белгилади. Масалани ўрганиб чиққан судья мазмунонамуна тўзади ва уни Конституциявий суд раисига баён қилади, зарур бўлса баённи суд мажлисида овоза қилади.
Масалани муҳокамага тайёрлаш, тўхташ, ҳулоса ёхуд бошқа қарорнинг лойиҳасини тузиш, шунингдек мажлисда материалларни баён қилиш учун суд раиси судья-нотикни тайинлайди. Одатга кўра, бундай судья сифатида, мазкур масалани дастлабки равишда ўрганган судья танланади. У зарур бўлган ҳужжатларни ва бошқа материалларни талаб қилиб олиши, текширув, таққиотлар, экспертизалар ўтказиши тўғрисида топшириқлар бериши, мутахассислар маслаҳатларидан фойдаланиши, сўровлар юбориши мумкин. Судья-нотик ва Конституциявий суд раисининг ўринбосари мажлисда қақирлидаган шахсларнинг доирасини белгилаб, мажлис қаерда ва қачон ўтказилиши ҳамда тегишли

мажлисини очиб деб эълон қилади ва муҳокамага қандай масалалар қўйилганлиги тўғрисида хабар қилиб, судьяларнинг кўпчилиги йиғилганлигига ишонч ҳосил қилади ва мажлис тўғрисида баённома олиб борилиши таъминланганлигини текширади.
Агар Конституциявий суд қўриладиган масала бўйича муҳокама ўтказиш ёки овоз беришни конституциявий суднинг судьяси бўлмаган шахсларсиз мазкур ҳаракатларни ўтказиш тўғрисидаги қарорга келса, муҳокамада судьялар олдида овозга қўйиш тўғрисидаги саволлар ва овоз бериш натижалари алоҳида баённомада қайд этилиши лозим. Баённома тўлиқ бўлиши учун стенография усулидан фойдаланиш мумкин.
Конституциявий суднинг мажлисида тарафлар ва уларнинг вакиллари қатнашиши, улар қуйдагилар бўлиши мумкин:
— конституциявийлиги текшириладиган ҳалқаро шартномани имзолаган ёки норматив ҳужжатни чиқарган давлат органларининг вакиллари;
— халқаро шартнома ёки норматив ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириш тўғрисидаги илтимос-

номани ёхуд ҳулоса бериш тўғрисидаги сўровни юборган давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари ва уларнинг вакиллари;
— тарафларнинг ишончномалари бўйича ҳимоячилар (адвокатлар) ёки юридик фақлар бўйича илмий даражага эга бўлган шахслар.
Тарафлар Конституциявий суднинг қақируви бўйича етиб келишлари, тушунтиришлар ва саволларга жавоб беришлари шарт. Хар бир тараф иш бўйича ўзи танлаган нуктаи назарини баён қилиши ва ўзга тарафга, гувоҳларга ва экспертларга саволлар бериши, илтимосномалар ва хусусий шикоятлар келтириши, конституциявий иш юритиш материалларига илова қилинадиган ёзма тақрирлар бериши, ўзга тарафларнинг тақрирлар билан танишиши мумкин.
Конституциявий суднинг мажлисида Олий суд раиси, Бош прокурор, Адлия вазирлиги, тарафлар ва уларнинг вакиллари келмаганлиги ишнинг қўрилиши, тегишли қарорнинг қабул қилиниши, тўхташларнинг берилиши ва ўзга қарорларнинг қабул этилишига тўқсизлик қилмайди.
Раислик қилувчи тарафларга уларнинг ҳуқуқлари ва тайёрлаш бўйича қўрилган чоралар тўғрисида ҳам маълум қилади. Судья-нотикка Конституциявий суднинг судьялари томонидан тегишли саволлар берилиши мумкин.
Конституциявий суд ўз қарорини фақат конституциявийлиги шубҳа тўғрисида Конституциявий суднинг судьялари томонидан тегишли саволлар берилиши мумкин.
Конституциявий суд ўз қарорини фақат конституциявийлиги шубҳа тўғрисида Конституциявий суднинг судьялари томонидан тегишли саволлар берилиши мумкин.
Конституциявий суд ўз қарорини фақат конституциявийлиги шубҳа тўғрисида Конституциявий суднинг судьялари томонидан тегишли саволлар берилиши мумкин.
Конституциявий суд ўз қарорини фақат конституциявийлиги шубҳа тўғрисида Конституциявий суднинг судьялари томонидан тегишли саволлар берилиши мумкин.

«БУРГУТ» ТАМФАЛИ ҚУВУРЛАР

Оҳангаронда бундан уч йил илгари барпо этилган бу хусусий кичик корхона жамоасининг маҳсулотларига харидорлар сони ортиб бормоқда. Бу ерда ҳам ашё сифатида фақат ишлаб чиқариш чикиндиларидан фойдаланилмайпти.



КРЕДИТ КЎМАГИДА Янгийўл шаҳрида тиббиёт хусусий клиникаси иш бошлади

Қачон бу шаҳарда бўлган, бир янгилик устидан чиқасиз. Бу гал ҳам ҳокимликда ўзгача хушхабар билан кутиб олишди:
— Шаҳримизда «Дониёр-Даврон» тиббиёт хусусий клиникаси очилди!
Янги шифохонада бўлиб, унинг раҳбари — олий тоифали жарроҳ Дониёр Абдукаримов билан суҳбатлашдик. Ун етти йиллик амалий тажрибага эга бўлган серҳаркат бу шифохорни шаҳарда яши билишари, ўз касбига меҳри ва талаби ўзига хос. Айни шу ўзига хослик аҳоли соғлиғини сақлаш ва тиббий хизмат соҳасида мамлакатда амалга ошириладиган кенг ва чуқур ислохотлар оцаётган имкониятларни тўла ишга солишга даъват этди.
— Келингниз Гулнора ҳам шифохонада тиббиёт хамшираси бўлиб ишларди, — дейди Д. Абдукаримов. — Маслаҳатлашиб, ўз хусусий клиникамизни очишга қарор қилдик.
Тадбиркор оила банкдан 20 миллион сўм кредит олиб, ўз режасини амалга оширишга киришди. Замонавий жарроҳлик амалиётининг барча имкониятларидан фойдаланиш кўзда тутилиб, клиниканинг мукамал лойиҳаси тайёрланди. Бино биттач, зарур янги ташхис-даволаш ускуналарини «Медтехника» етказиб берди. Ҳамма нарса тайёр бўлганидан кейин, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан лицензия олинди. Унга кўра бу тиббий хусусий шифохонага амбулатория ва стационар шариоатда умумий жарроҳлик, қонтомир жарроҳлиги, болалар жарроҳлиги, гинекология бўйича ташхис, маслаҳат, оператив ва консерватив даволаш, терапия, педиатрия бўйича ташхислар ўтказиш, маслаҳатлар бериш ва даволашга рухсат этилган. УТТ, ЭКГ, клиник ва биокимёвий лаборатория текширувлари ҳам ўтказилмоқда.

Тағбиркорлик

тош Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан лицензия олинди. Унга кўра бу тиббий хусусий шифохонага амбулатория ва стационар шариоатда умумий жарроҳлик, қонтомир жарроҳлиги, болалар жарроҳлиги, гинекология бўйича ташхис, маслаҳат, оператив ва консерватив даволаш, терапия, педиатрия бўйича ташхислар ўтказиш, маслаҳатлар бериш ва даволашга рухсат этилган. УТТ, ЭКГ, клиник ва биокимёвий лаборатория текширувлари ҳам ўтказилмоқда.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.

СУРАТЛАРДА: олий тоифали шифокор Клара Ортиқбоева катта ҳамшира Гулнора Абдукаримов билан беморни кўздан кечиришда; «Дониёр-Даврон» тиббиёт хусусий клиникасининг умумий кўрилиши. Даврон АХМД олган суратлар.



ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Тошкент вилояти Адлия бошқармаси куйида қайд этилган туман, шаҳарларда ўрни бўш қолган давлат нотариал идораларида ва таъсис этилган хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус лавозимларини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Паркент туманида тадбиркорлар Ғайрат ва Шухрат Мақсудовларнинг савий-ҳаракатлари туфайли янги икки қаватли савдо ва аҳолига маийиш хизмат кўрсатиш маркази қўрилиб, иш бошлади. Унинг биринчи қаватида кандолатчилик цехи, миллий ошхона фаолият кўрсатмоқда, иккинчи қаватида эса, озиқ-овқатлар, аралаш моллар савдоси йўлга қўйилган.
Хуршида МҰМИНОВА.

- I. Давлат нотариал идораларида нотариуслик лавозимлари учун
1. Ангрен шаҳрида 1 та ўрин учун;
2. Ангрен шаҳрида (Янгиобод нотариал округига) 1 та ўрин учун;
3. Янгийўл шаҳрида 1 та ўрин учун;
4. Чирчиқ шаҳрида 1 та ўрин учун;
5. Бекобод шаҳрида 1 та ўрин учун.
II. Хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус лавозимлари учун
1. Чиноз туманида 1 та ўрин учун.
Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.

Тошкент вилояти ҳокимининг 2004 йил 22 мартда қабул қилинган «Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидан унумли фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида»ги 49-сонли фармойишига асосан, Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси ҳудудида мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча дам олиш масканларининг тўлиқ инвентаризацияси ўтказилмоқда.

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси ҳудудида дам олиш масканига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда Чирчиқ ва Угам дарёлари, Оқтош, Қизилсув, Чимён, Белдерсой ва Оқсоқ-ота сойлари қирғоқолди ҳудудида кўчмас мулк объектларига эга бўлган мулкдорларга 2004 йил 15 апрелигача қуйидаги манзилга мурожаат этишларини таклиф этамиз:
702180, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Олтинсарин кўчаси, 14-уй «Чотқол» акциядорлик компанияси биноси, 1-қават, 2-, 4-хоналар.
Тел: 8-37174-20298, 22-890; факс: 28-204.
E-mail: chotqol@uzpak.uz
«Чотқол» акциядорлик компанияси бошқаруви.

Tagбир

Тошкент туманида «Китоб — маънавий юксалининг қудратли курали» мавзусида китобхоналар анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда зиёлилар, илм ва ижод аҳли, туман маънавият ва маърифат бўлими, марказий кутубхоналар тизими ходимлари, маҳалла оқсоқоллари-ю, фаоллари ва ёшлар вакиллари иштирок этдилар.

Албатта, бундай учрашувлар, жонли мулоқотлар инсон тафаккурини бойитади. Яхши бир китоб доимий ҳамроҳ, яқин дуст...

КИТОБ ҚАДРИ

Кўнгилни кўтарувчи маслаҳатчи бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, сўз қудрати ёрдамида қилинган эзгу-амаллар ҳеч қачон беиз кетмайди.

Тадбирда туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган битта марказий, 33 та тармоқ ва болалар кутубхонаси 300 минг нусха китоб жамғармасига эга эканлиги таъкидланди. Кутубхоналар тизими ходимлари кенг китобхоналар ом...

масини турли соҳаларга оид китоблар билан баҳраманд қилишга интилоқдалар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикри Муҳаммаджонов, хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний муқофоти совриндори, адабиётшунос олим Наим Қаринов, вилоят «Турон» илмий-универсал кутубхонаси раҳбари Вазира Собирова, вилоят Маданият бошқармаси илмий-услу...

биёт маркази бошлиғи Алижон Азимов, «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент тумани бўлими раҳбари Эркин Фуломовнинг сўзлари, халқ шоири Жуманиёз Жабборовнинг шеърлари йиғилганларга манзур бўлди.

Мактаб ўқувчилари, кутубхоналар тизими ходимлари ҳамда туман маданият бўлими бадиий хаваскорлари ижро этган сахна кўрсатишлари, куй ва қўшиқлари эса, тадбирга янада файз қўшди.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ҲАМОН ЖОЗИБАДОР

Ўзбекистон — Япония инсон ресурсларини ривожлантириш марказида «Япония чой маросими борлиқнинг универсал модели сифатида» мавзусига бағишланган маданий тадбир бўлиб ўтди. У Япониянинг Тошкентдаги элчихонаси билан биргаликда ташкил этилди.



Чой маросими Кунҷиқар маҳаллатида 800 йиллик тарихга эга. Қадимдан у япон халқи маданияти ва анъаналарининг энг ноёб қирраларини намоён этиб келган. Ҳозирги кунда ҳам бу маросим ўзининг жозибadorлиги ва соддалигини сақлаб қолган.

Шунган кечин

АВЛОДЛАР ДАВВОСИ



Америкалик собиқ қўлларнинг хозирги авлоди Буюк Британиянинг кўча суғурта компанияларидан бири «Lloyd's of London»ни суғура берди. Давво аризасида таъкидланишича, XVII асрда Африкадан Америкага қўллар таълуви денгиз кемаларини суғурталган Lloyd's кулфуршушика бевосита алоқадор. Даввогарлар Lloyd's компаниясидан талаб қилмоқчи бўлаётган тоvon қиймати микдори хозирча эълон қилингани йўқ.

ЎН ЙИЛДАН СЎНГ



Microsoft корпорациясининг раҳбари Билл Гейтс яқин ўн йил давомида компьютер техникасининг нарх-навоиси технологиялар ривожини чекламайдиган даражада пастлашиб кетди, дея таъкидламоқда. «Хозирги баҳолар билан қийслайдиган бўлсак, — деди у, — ўн йиллардан сўнг компьютерлар ўта арзон бўлади. Улар текин бўлади демайману, лекин тармоқни ривожлантириш борасида сервер жиҳозлари қуввати тараққийнинг бугунги омили бўлмай қолади».

БОЛАЛАРНИ ЙЎЛАБ



Хитойдаги маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарлари аҳоли турар жой ҳудудларида ва мактаблардан 200 метр яқинроқ манзилларда жойлашган интернет-кафе-лар фаолиятини тўхтатиб қўйди. Раҳбариятнинг бу тўхтамга келишидан мақсад болалар рухий саломатлиги ҳақида гамхўрлик деб изоҳланмоқда. Интернет-кафе-лар фаолиятга чекловлар қилиштириш ҳақидаги қарорни мазкур муассасалар фаолиятини назорат қилиб туривчи санаот ва савдо бош бошқармаси қабул қилган.

ҲАВОДА ИЧИЛМАЙДИ



Шу йил 30 мартдан бошлаб, Буюк Британияда учувчилар қони таркибиде рухсат берилувчи алкоголь микдорини камайтириш борасидаги талаблари яна тўрт қарра қунайтурувчи қонун кучга қиради. Янги қондалар Буюк Британия ҳаво бўшлиғида парвоз қилувчи барча ҳаво кемаларига ҳам тааллуқлидир.

«Ҳашарчи» МЧЖ ТУГАТИЛАЙДИ. Давволар 1 ой ичида Ш. Бурхонов кўчаси, 29-уйда қабул қилинади. Тел: 64-80-43.

«Cinema Market» БОЛИВУД МАХСУЛОТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

Деҳлида Ўзбекистоннинг «Cinema Market» компанияси ва Хиндустоннинг «Eros multimedia» компанияси ўртасида ҳинд кинофильмлари Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистонга олиб келиш, намойиш қилиш ва сотиш ҳуқуқини берадиган меморандум имзоланди.

Ўзбекистонда ҳинд кинофильмлари севди томоша қилинади. Шу маънода «Cinema Market» компаниясининг ўзбек киномуҳлис-ларини энг сўнги ҳинд фильмлари билан таништириб боришдаги саяё-хара-катлари эътиборга лойиқ-дир. 1999 йил ўз фаолиятини нусха кўпайтирувчи аудио-фабрика сифатида бошлаган компания ходим-лари бугунги кунда фильм-лари ҳинд тилидан ўзбек тилига таржима қилишни ҳам ўзлаштиришди. Компани-я ўтган йил октябрь ойи-да Деҳлидаги 34-халқаро кинофестивали доирасида бўлиб ўтган «Фильмлар бозори» кўргазмасида ишти-рок этиб, янги ҳинд кино-асарларини Ўзбекистонга олиб киришни ҳам йўлга қўйди.

Компаниямиз ихтиёри-да 800 уринлик кинотеатр ва дубляж студияси мавжуд, — деди «Cinema Market» ди-ректори А.Умаров. — Пой-тахтимизнинг талабалар шар-ҳарасида жойлашган кино-театримида биноси хозирги кунда таъмирланиб, замона-вий талабларга жавоб бера-диган жиҳозлар ва курил-малар ўрнатилмоқда. Маз-кур бинода турли кинофес-тиваль, анжуман ва концерт дастурларини ўтказиш им-конияти ҳам яратилапти. Ниятимиз — Хиндустонда ўзбек киноси ва Ўзбеки-стонда ҳинд киноси фести-валларини ташкил қилиш-дир.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў ва нуфузи тобора ошиб бормоқда. Юртимизнинг бундай эътибори сазовор бўлишида спортнинг ҳам ҳиссаси беқис. Зотан, Президент Ислам Каримов айтганидек, мамлакатини дунёга танитишда спортнинг ўрни нисҳоятда каттадир. Вакилларимизнинг спорт оламидаги энг нуфузли мусобақа — Олимпиада ўйин-ларида муваффақиятли иштирок этаётгани Ватанимизни жаҳонга танитишдек масъулиятли вазифани шараф билан уйдаяётганидан далолат беради. Ўзбекистон Мил-лий Олимпия қўмитаси (МОҚ) президенти Азиз НОСИРОВ билан ЎзА муҳбирининг суҳбати шу хусусда бўлди.

— Янги асрдаги илк ёзи Олимпиада ўйинлари мазкур қадимий мусобақанинг асл ватани — Грециянинг Афина шаҳрида 13-29 август кунла-ри ўтади. Бу ўйинлар муста-қил Ўзбекистон спортчилари учун ўчинчиси бўлади, — деди А.Носиров. — Спортчиларимиз Олимпиададаги иштирокини илк бор мустақил жамоа сиф-атида 1994 йили Норвегия-нинг Лиллехаммер шаҳрида, XVII киши ўйинларида бош-лаган. Ушунда Лина Черязо-ва фристайлнинг чанги акро-батикаси тури бўйича муста-қил Ватанимиз учун биринчи олимпия олтин медалини тух-фа этганини юртдошларимиз фахр билан эслайдди. Бу ҳамюртларимизнинг халқаро майдонда ташлаган биринчи зафарли олдими эди.

Спортчиларимиз ёзи Олимпиада ўйинларида 1996 йилдан буён иштирок этмоқ-да. Қувонarli томони вакил-ларимиз ёзи ўйинлардан хали медалсиз қайтгани йўқ. 1996 йили АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтган Олимпиадада ҳамюртларимиздан дзюдо бўйича Армен Багдасаров кумуш ҳамда боксчи Карим Тулганов бронза медаллари-ни қўлга киритди. Тўрт йил-дан сўнг Австралиянинг Сид-ней шаҳрида бўлган Олим-пиадада эса боксчимиз Му-хаммадқодир Абдуллаев ол-тин медалга сазовор бўлди ва хаваскорлар боксиде бар-ча унвонларни қўлга киритди — Осиё, жаҳон ва Олимпиада чемпиониға айланди. Чарм қўлқоп усталари Рустам Саи-дов ва Сергей Михайловға бронза, эркин кураш устаси

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

тури бўйича етмишга яқин олимпия лиценциясини қўлга киритиши кутилмоқда. Хозир-гача вакилларимиз ўн иккита спорт тури бўйича ўттиз тўққизта йўлланмага эга бўлди. Олимпия лиценцияси-ни берадиган турнирлар ав-густ ойига қадар давом эта-ди. Шундан келиб чиқиб, олимпиячиларимизнинг сони янада ошиши аниқ.

ОЛИМПИАДАДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Артур Таймазовға кумуш ме-дал насиб қилди. Илгари, 1952 йилдан 1992 йилгача Олимпиада ўйинла-рида атиги элликка яқин ўзе-бекистонлик спортчи қатнаш-ган бўлса, иштиқол йилларида бундай нуфузли му-собақада юртимиз шарафини химоя қилганлар сони 165 нафарға етди. Буларнинг бар-часи мамлакатимиз-да Юртбошимиз раҳнамолиғида спорт ва олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, спортчилар-ни қўллаб-қувватлаш, эриш-илётган муваффақиятларини давом эттирадиган ёшларни топиб, тарбиялаш каби маса-лаларнинг амалда тўғри йўлга қўйилгани самарасидир.

— Бу йил спортчилари-миз неча олимпия лицен-зиясини қўлга киритиши мумкин, деб ўйлайсиз ва қайси спорт турлари вакил-ларидан Олимпиада медал-ларини кутса бўлади? — Олимпиада ўйинларида жаҳоннинг 15 мингга яқин сараланган энг кучли спортчи-си 39 спорт тури бўйича иш-тирок этади. Ўзбекистонлик спортчилар ўн олтита спорт



Боксчилар, эркин ва юнон-рум курашчилари ҳамда дзю-дочиларимиздан олимпия ме-далларини кўпроқ кутяёмиз. Чунки бу спорт турлари бўйи-ча ҳамюртларимиз жаҳон ва китъа чемпи-онатлари, нуфузли халқаро турнирларда доимо муваффақият-ли қатнашиб келган. Шунингдек, байдарка ва каноеда эшак эшиш, велоспорт, спорт гимнастикаси бўйича қатнашадиган спортчиларимиздан ҳам умидимиз катта. Хозир спортчилари-миз Афинадаги ўйинларға жиддий тайёргарлик кўрмоқ-да. Миллий Олимпия қўмитаси, Давлат жиҳимоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда ҳомий ташкилотлар вакилла-римизға ўқув-масъулот йи-гинларини ўтказиш, мусоба-қаларда иштирок этиш учун барча шарт-шароитларни яра-тиб бermoқда. Яқинда МОҚ ва «Ўздурро-бита» қўша қорхонаси ўрта-да тузилган ҳамкорлик бит-имиға кўра, мазкур қорхона олимпия жамоамизға ҳомий-лик қилиб, олимпия ҳарака-тининг тараққийи ва тарги-бот-ташвиғотида қўмаклаш-адиган бўлди.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

— Азиз Носирович, яқинда Олимпиада ўйинлари мезбони — Афина шаҳри-дан бўлиб қайтишди. Са-фардан кўзда тутилган мақсад нима эди? — Афинада Миллий Олим-пия қўмиталари ассоциация-сининг ҳар икки йилда бир марта ташкил этиладиган Бош ассамблеяси бўлди. Икки юздан зиёд мамлакатдан кел-ган делегациялар иштирок этган бу анжуманда Миллий Олимпия қўмиталарининг Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) билан муносабатлари, уларни янада ривожлантириш режалари ва бу борда амал-ға оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Грецияда Ўзбекистон деле-гациясининг ХОҚ президен-ти Жак Ротге билан расмий учрашуви бўлди. Ташкилот президенти 1995 йилда Юр-тбошимиз Ислам Каримов та-шаббуси билан ташкил эти-либ, минтақа олимпия ҳара-катининг янада ривожланиши-ға туртки бўлган VI Марказий Осиё ўйинлари мусобақасига ташриф буюришни билдир-ди. «Кичик Олимпиада» деб таърифланган бу мусобақа келаси йили мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирил-ган.

ХОТИРА ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Уртакчилик туманидаги 1-болалар ва ўсмир-лар спорт мактабининг ўйингоҳида «Ҳамюрт-лар» хотира турнири ўтказилди. У ўзбек фут-бол юлдузлари Михаил Ан, Владимир Федо-ров, Олимқодир Ашировларнинг ёрқин хотира-сига бағишланди. Оккўргон, Бўка, Янгиер, Тошкент вилояти БУСМ 1, БУСМ 2, пойтахтнинг «Чига-той-1», «Чигатой-2» жамоа-лари қатнашган ушбу мусобақа тўрт кун давом этди. — 13-14 ёшли футболчилар иштирокидаги ушбу тур-нир ўн беш йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб кели-нмоқда, — деди вилоят футбол федерацияси бош қотиби Шамил Яффаров. — Футболчимизнинг бугун ҳо-тирланаётган уч юлдузи ай-нан Уртакчилик туманида та-валлуд топган, яшаган. Шу боис турнир мазкур ҳудудда уюштириляпти. Йилдан-йилға унинг савияси, ташки-лий жараёни, ўйинчиларнинг техник ва тактик қобилияти ошиб бermoқда.

Раҳматилла Қоратоев, Холият Мирзаамедов ҳакам-лик қилган ушбу мусобақа бу йил ҳам кутилганидан зиёда ўтди. Ҳар бир учрашувда ўзини кўрсата олган, қаққонлик, абжирлик, жиҳимоний тайё-ргарлик бобиде барчани орт-да қолдирган тўйепалик фут-

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

болчилар биринчи ўринға муносиб деб топилдилар. Янгиер жамоаси иккинчи, «Чигатой-1» йигитлари учин-чи ўринни эгаллашди. Ан-грен, «Чигатой-2», Бўка жамо-алари 4-, 5-, 6-ўринларни банд этишди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. «Энг яхши дарвозабон» номига «Чигатой-2» ўйинчи-си Жаббор Жуманов сазо-вор бўлди. Юрий Кочерин энг яхши химоячи, янгиер-лик Даврон Комилов энг яхши ярим химоячи деб эълон қилиндилар. Ангрен жамоасининг вакили Дилму-рад Ашурматовға ҳужумкор-лик баҳсида ҳеч қим тенг кела олмади. «Энг истиқбол-ли футболчи» деб, Зокир Шодиев тан олинди. Турнирнинг ёпишли ма-росимида марҳум спорт юл-дузларининг оила аъзолари, қариндошлари, футбол фа-рийлари иштирок этдилар.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Сканворг. A large grid puzzle with various words and numbers. Includes a small image of a car labeled 'Labe'.

Биласизми? Аҳоли сони камаймоқда. Қурраи заминимизда туғилиш тўхтовисиз камайиб бормоқда. АҚШнинг аҳоли-ни рўйхате олиш бюроси томонидан ақинда эълон қилинган башоратға муво-фиқ 2050 йилға бориб Ерда-ги аҳолининг сони йилға 0,43 фоизгача камайиб бо-ради. 2002 йида бу кўрсат-кич 1,2 фоизи ташкил эт-ган эди. Қатор мамлакат-лар қатори Россияда ҳам аҳоли ўлими кўпайиб боря-пти. Сўнги вақтларда унда истиқомат қилувчилар ҳар йили 900 минг нафарға ка-маймоқда. 2005 йилға келиб россияликлар 141,6 миллион киши бўлади. БМТ аҳолишу-носларининг ҳисобларига қараганда эса, 2050 йилға келиб бу мамлакат аҳолиси 114,2 миллион кишигача ка-майиши мумкин. Ҳозир унда 145,2 миллион нафар аҳоли яшамоқда, — деб ёзади «Труд» газетаси.

Осоишталик БИР ОҚШОМДА — ИККИ ЖИНОЯТ. «Бекорчидан ҳар нарса қутиш мумкин», — дейишади. Бир оқшомнинг ўзида кетма-кет икки жиноятға қўл уриб, терговчи қаршида бошларини эзган ҳолада жаавоб бераёт-ган, ҳалол меҳнат билан оила тебратиши мумкин бўлган бу тўрт нафар ёш йигитларнинг аҳолини кўриб, юқорида-ги гап эсимға тушди. Марат (исмлар ўзгарти-рилган) 26 ёшда, Рустам эса 20 ёшда. Биринчиси Беру-ний туманидан Чирчиққа ти-ричилик мақсадида келган, иккинчиси ҳам Булоқбоси туманидан шу ниятда «таш-риф» буюрган эди. Улар Чирчиқда ўзлари ижа-рада турган уйларидаан Тош-кентға катнаб, дуч келган юмушларни бажариб юриш-ди. Шу орада улар бўстон-ликлик Нурилла ва чирчиқ-лик Жалил билан танишиб, яқин бўлиб қолишди. Тўрт оғайини Тошкентда «меҳнат кунини яқунлаши-б; бекатда учрашишди. Шу ернинг ўзида киттақ-киттақ қилиб ўтириб, ҳаш-паш де-гунча, 3 шиша ароқни бўша-тишди. Обдон маст бўлиш-гач, электриккада Чирчиққа қайтишди. Шундан сўнг уларнинг «саргузашт»лари бошланди. Шаҳар истирожат боғида гандирақлаб келишаётгани-да, шошиб кетаётган йигит-ға тўқнаш келишди. Рустам уни тўхтади, ораға Марат суқилиб, йўловчидан пул талаб қилди, Нурилла ва Жалил ҳам жим туришмади. Йўлтўсарлар фуқаро Зокир Усмоновнинг 3 минг сўм пули, гувоҳномаси ва қўл соатини тортиб олишди. Устиға-устак, жабранувчи-ни оёқ кийимини ҳам ечиб беришға мажбур қилишди. «Овлари» бароридан келга-нидан хурсанд бўлган талон-чилар бекатдаги дўқондан яна бир шиша ароқ олиб, четта ўтиб уни ҳам «бахам» қўришди. Шериклар шундан сўнг 4-кичи туманда жой-лашган дискотекаға бориш-ди. Бу кўнгилочар жой ёпиқ-лигини кўриб, ҳафсалалари пир бўлди, яна шаҳар мар-кази томон қайтишди. Бу пайда аллақачон қоронғу тушган, атроф зим-зиё, кўчада йўловчилар кўринмасди. Янги масжид ёнидан боришаётганида ёнларидан Шокир Дўстов ўтиб қолди. Ҳамтовоқлар ҳеч нарсадан тап тормай, Шо-кирға ташланишди. Аввал уриб йикитишди, чўнтағидан 25 минг сўм пулни ва қўл-даги узукни олиб, Шокир-нинг юзига уриб, тан жаро-ҳати етказишди. Бечора йигит юзини чангаллагани-ча, ерда ётиб қолди... Жи-

TOШKENT ҲАҚИҚАТИ. Муассис: ТОШKENT ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ. Бош муҳаррир ФАТХИДДИН МУХИДДИНОВ. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-38-85, 136-53-54. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатға олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-дилларнинг тўрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.